
Ёшлар дафтари - имкониятлар дафтари!

Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, яқка тартибда тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада Қува туманида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қува тумани ҳокимлигида ўтказилган тадбир ҳам ёшларнинг банлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ҳамда ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашишга қаратилди.

Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ёшлар етакчилари иштирок этган тадбирда тумандаги “Ёшлар дафтари”га киритилган 86 нафар ёшларга турли йўналишда жами 308,0 млн.сўмлик ёрдамлар кўрсатилди

Жумладан субсидия асосида 39 нафар ёшларга тикув машиналари, 10 нафарига мотокультиваторлар топширилди. Шунингдек, 20 нафар ёшларнинг тўлов контрактлари, 3 нафарининг даволаниш харажатлари ва 2 нафар ёшларнинг спорт мусобоқа харажатлари тўлаб берилди. Бундан ташқари “Ёшлар дафтари”га киритилган 3 нафар имконияти чекланган ёшларга компьютер жамланмалари топширилди.

Тадбир давомида туман ҳокими ёшлар билан бўлган суҳбат давомида уларга яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида яна қандай ёрдам зарур бўлса, ҳокимлик ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан етарлича имконият яратилиши, шартнома асосида буюртмалар топиб берилишини таъкидлади.

2023-01-28 12:34:38